АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан бошлаб чика бошлаган

1995 йил, 5 август, № 18

Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

• Ўзбекистон Мустақиллигининг тўрт йиллигига

МУҚАДДАС БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.



Ўзбекистон тарихи зарварақларига миллий байрам сифатида битилган республикамиз Мустақиллик кунини тўртинчи маротаба нишонлаш арафасида турибмиз. Байрам муносабати билан мамлакат миқёсида кенг қамровли ободончилик ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам пойтахтнинг Мустақиллик майдони ҳамда бошқа йирик майдон ва хиёбонларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида, туманлар, ва қишлоқларда, маҳалла ҳамда гузарларда байрам тантаналарини катта шодиёна билан ўтказиш мўлжалланган. Хусусан, пойтахтнинг Мустақиллик майдонида байрамимимизнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтади. Президент Ислом Каримов ана шу бош майдонда ўтадиган байрам тантаналари тўғрисида сўзлади. Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган фурсатдан буён ушбу майдонда ўтказиб келинаётган катта байрам томошалари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ҳам ўзининг кенг қамрови ва теран мазмуни билан ягона ва бетакрор байрам сифатида тан олинмоқда,-деди Президент. Йилдан-йилга мустақиллик байрами юрт ободлиги, халқимиз турмушининг моддий ва маънавий ўсишида муҳим аҳамият касб этаётир. Қолаверса, байрамдан-байрамга ушбу қутлуғ санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш борасида ҳам ибратли тажрибалар орттирямиз.

• *(Давоми 2-бетда).*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 1995 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 1 август.

***

Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:

1.Сайловчиларнинг фикрини ўрганиш юзасидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тузилган Комиссия ахбороти.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисми лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилади).

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилади).

6. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

7. Концессиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

8. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилади).

9. «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

10. «Меҳнат шуҳрати» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

11. «Шон-шараф» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти кунини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

13. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлис ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига қўйиш мўлжалланади.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ:
• Солиқ тизими адолат тамойилларига таянади
3-БЕТ:
• «Энг даҳшатли воқеа ҳали содир бўлгани йўқ...»
• «Д.Д.Д. ва бошқаларни... Ойнаи жаҳонда қўринг
4-БЕТ:
• Ўлимдан кейинги ҳаёт
• Йилнинг машҳур кишиси
• Футбол

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• 29 июль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бирлашмалар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1995 йилнинг 1 ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар, пул муомиласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

x x x

• 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Люксембург шаҳзодаси, Белгиянинг «Коминко» компаниялари Халқаро холдинг группаси Президенти Жан ҳазрати олийларидаги раҳбарлигидаги тадбиркорлар делегациясини қабул қилди.

x x x

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан республикадаги бир қанча корхона ва қурилиш ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчилари гуруҳи мукофотланди.

x x x

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

x x x

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ЮНИСЕФ—ЭКОСАН фондларининг «Аспера» лойиҳасини амалга оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

x x x

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари Давлат акционерлик компанияси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармон берди.

x x x

• Бухоро вилоятининг Қоравулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводида штаб йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

x x x

• Нукусда Қорақалпоғистон фаоллари йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва уларни янада ривожлантиришга бағишланган йиғилишда мамлакат Президенти Ислом Каримов ўртага қўйган вазифалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон РеспубликасиВазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков йиғилишда нутқ сўзлади.

x x x

• Марказий банк 1995 йил 4 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31, 20 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,20 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

• Партия ва ҳаёт

ОНАЛАРИМИЗ СОҒЛИҒИ — БИЗНИНГ СОҒЛИҒИМИЗ,

— дейди «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби Кеунимжай Матеков

Кеунимжай Матеков 1947 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманидаги «Ҳалқобод» давлат хўжалигида туғилган. 1972 йили Андижон Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Иш фаолиятини 1975 йилда Каликул туманидаги марказий шифохонада оддий шифокорликдан бошлаган. Сўнг шифохона терапия бўлимини бошқарган. 1985 йилдан марказий даволаш шифохонасида тиббиёт статистика бўлимининг мудири бўлган. Айни пайтда у Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби вазифаларида ишлаб келмоқда.

— Кеунимжай Матскович мана, сиз яқинда «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби этиб сайландингиз. Айтинг-чи, Қорақалпоғистонда янги партия ўз фаолиятини нималардан бошламоқда?

— Ҳар бир янги тузилган ташкилот ўз иш фаолиятини бошлар экан, албатта, унинг олдида ҳал қилиниши керак бўлган жуда катта муаммоларнинг кўндаланг бўлиши табиий. Партия ташкилотимиз биринчи навбатда ана шу муаммоларни ҳал этиб, ўз фаолиятини шакллантиришга эътиборини қаратмоқда. Партия Кенгаши учун жой, хона ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш юзасидан зарур чораларни кўраяпмиз. Партиямизга аъзо бўлиш истагида юрганларни ўз сафимизга тортиш учун жойларда аҳолини партиянинг Дастур ва Низоми билан таништириш ишларини олиб бормоқдамиз.

— Эндиликда партия аъзолари сони қанчага етди ва унинг таркибини асосан кимлар ташкил этмоқда?

— Партиямизнинг 420 кишидан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг кўпчилигини халқимиз ораси-дан етишиб чиққан зиёлилар ташкил этади. Тўғри, партиямизга олдин бошқа партия аъзоси бўла туриб, ўтаётганлар ҳам анчагина. Биз ўз партиямизга қабул қилмасдан олдин, сафимизга кирувчилар билан алоҳида суҳбатлар уюштириб, уларнинг кимлигини обдон билиб, партия аъзоси бўлса, нега у партияни тарк этиб, бу партияга кираётганлигининг сабабини ўрганиб, сўнг қабул қилмоқдамиз.

— Ривожланаётгандемократик давлатларда кўппартиявийлик замон талабига айланган. Сиз, ёш партиянинг Қорақалпоғистондаги етакчиси сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Албатта, ижобий маънода. Бизда ҳам мустақиллик шарофати билан кўппартиявийлик алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дастлаб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, сўнг «Ватан» тараққиёти партияси юзага келди. Эндиликда шу партиялар билан биргаликда «Адолат» социал-демократик партияси ҳам, «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам шакланди. Бу тўртала партиянинг ҳам ўз танлаган йўли бор. Албатта, бу партиялар ўзларининг мустақил демократик ҳуқуқлари асосида Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш учун истойдил фаолият кўрсатади ва ўз тараққиёт йўлидан дадил бориб, халқимизни келажакда бахтли кунларга олиб боради, деб ишонамиз.

— Кеунимжай ака, малакали шифокор сифатида мустақил давлатимизнинг аҳолисини соғломлаштириш йўлида сўнгги йилларда қилинаётган ишларга қандай қарайсиз?

— Албатта, эл соғлиги йўлида қанча иш қилинса, шунча камдай туюлаверади. Мен бу ишларнинг улуғи деб биринчи навбатда «Соғлом авлод учун» нишонининг таъсис этилишини тилга олган бўлур эдим. «Экосан» соғломлаштириш поездининг фаолияти ва шифокорлар тайёрлаш масалаларининг сифат ва миқдор жиҳатидан оқилона йўналишга киритилганлиги ҳам шулар жумласига киради.

Маълумки, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, соғлом авлодни шакллантиришда аввалгидек аёлларимиз соғлом ва баркамол бўлишлари лозим. Шунингдек, ҳар томонлама тўкис авлодни вояга етказиш, зурриётларимизни жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлишига эришамиз.

Ғулом ПРИМОВ суҳбатлашди.

• Фельетон ўрнида

БИРЛАШМАДА ҚАЧОН БУРИЛИШ БЎЛАДИ?

ёки Президент Фармонларини бажаришга ҳафсала қилмаётган ўрта миёна раҳбар бош бўлган ташкилот ҳақида

Навоий вилоятида якка тартибда уй-жой қурилиши оғир аҳволда. Шу йилнинг бошида юртбошимиз халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида бу масалага эътиборни қаратиб, «Ўзи ташаббус кўрсатиб, уй-жой қуриш учун ҳаракат қилса-ю, раҳбарлар бунга йўл бермай ўтирса! Ваҳоланки, биз уларни қўллаб-қувватлаб ёрдам беришимиз зарур», — дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Вилоятдаги якка тартибда уй-жой қуриш бирлашмасида бу борада етарли иш олиб борилмаганлиги туфайли ана шундай ачинарли ҳол юз берди. Вилоят бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи фуқароларнинг кучи билан бор-йўғи 74,8 минг квадрат метр турар-жой майдонлари қурилиб битказилди. Шунинг 55 фоизи Хатирчи туманига, 16 фоизи Навбаҳор туманига тегишли. Қолган туманларда якка тартибда уй-жой қуриш жуда оғир аҳволда. Бу ҳол 1995 йилнинг дастлабки ярмида ҳам ўзгармай қолди. Муҳандислик ишлари зўрга 1 фоиздан ошириб бажарилди. Биргина сўнгги июнь ойида бирлашма ҳисобида 250 литр ўрнига 480 литр ёқилги сарфлаб, 41,30 километр йўл босилган. Режа эса 1,2 фоизга бажарилган. Бирлашма раҳбари машинасига бунча ёқилги сарфлаб нима иш қилдийкин, деб ҳайрон қоласан, киши.

Вилоятдаги саноатлорлик, совуққонлик каби ҳолатлар ана шундай ачинарли аҳволга сабаб бўлди. Навоий шаҳрида қад ростлаётган «Гулистон» қўрғонидаги 311 та ер-участкасини тақсимлаш аслида 1989 йилда бошланган. Ҳозирга қадар 295 та ер-участкаси ўз эгасини топди. Уларнинг атиги 13 тасида қурилиш ишлари тугалланди. Шаҳардаги «Умид» қўрғонида эса 1991 йилда ер-участкаси тарқатишга киришилди. Бу ердаги 888 та ер-участкасининг 750 таси фуқароларга берилди. Шу кунга қадар Навоий электр тармоғига қарашли 10 та ер-участкаси пудрат асосида қурилиб битказилди, холос.

Айтиш керакки, бирлашма раҳбарлари кўпчилик аризаларга бефарқ қараяптилар. Лекин бу қўрғонлардаги қуриб фойдаланишга топширилди, деб қайд қилинган уйларда ҳам муҳандислик қурилишларининг ҳамон ўлда-жўлдалиги фуқароларнинг яшаш шароитларини оғирлаштирмоқда. Ваҳоланки, вилоят ҳокимлиги вилоят уй-жой коммуникациялари, яъни муҳандислик ишларини бажариш учун бирлашмага 930 минг сўм маблағ ажратган эди. Бирлашмада ушбу маблағдан қурилишда фойдаланиш ўрнига шифер сотиб олинди-ю, бегоналарга сотилди.

Уй-жой қуриш истагида ер-участкаси олган фуқаролар қурилиш қилиш учун ҳатто сувни ҳам транспорт ёллаб, шаҳардан олиб келишга мажбур. Бирлашма раҳбари бўлса, қўрғондаги қурувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига ҳамон фуқароларга ажратилган ер-участкаларини қайтариб олиш билан овора. 1995 йилнинг ўзида97 та ер-участкасидан баҳоли қудрат 6 тасида иш бошланган бўлишига қарамасдан, қайтариб олинди. Ушбу қайтариб олинган ер-участкаларининг 19 таси Тошкент Техника дорилфунунининг Навоий бўлими ва вилоят халқ таълими бўлими ходимларига ажратилган эди. Бу эса маърифатчиларимиз ва шаҳар фуқароларининг ҳақли равишда эътирозига сабаб бўлаяпти. Аслида берилган ер-участкалари қурилишининг кечикишига сабаб: уларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаётганлигидадир.

Республика Президентининг «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1995 йил 5 мартдаги Фармонининг ижроси бўйича бирлашмада бирор иш қилинмади. Ваҳоланки, Фармонда якка тартибда уй-жой қурувчиларга амалий ёрдам бериш, уларни 30 фоизли арзонлаштирилган деворбоп материаллар билан таъминлаш ва жамғарма банкларидан қарзлар бериш зарурлиги уқтириб ўтилган эди.

Навоий шаҳрида эса ҳокимлик томонидан ер-участкаси олишга рухсат этилган фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш бирлашмаси раҳбарига фуқаролар томонидан керакли ҳужжатлар ўз вақтида тайёрлаб берилганига қарамасдан унинг кўриб чиқилиши негадир кечиктириб келинаяпти. Вилоят ҳокимлигининг аралашуви билангина шаҳар фуқароларига ер-участкаси ажратиб берилишига эришиляпти. Кўпчилик фуқаролар бирлашмага қатнайвериб, раҳбарнинг ваъда, важ-корсонлардан чарчадилар. Бирлашма раҳбари Шуҳрат Шариповдан сўраганимизда у вилоят ҳокимлиги бу борада ўзларини қўллаб-қувватламаётганлиги, маблағ билан таъминламаётганлиги ҳамда Президент Фармони бажарилмаётганлигининг боиси ҳам шунда деб жавоб берди. Аслида эса Навоий вилоят туманларида бажарилиши керак бўлган муҳандислик қурилишлари учун республика марказлашган маблағлари ҳисобидан 1995 йилнинг I ва II чорагида ажратилган жами 470 минг сўм маблағ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобидан бирлашмага ўтказилди. Муҳандислик қурилишлари учун айрим ташкилотлардан ўтган йили ажратилган 170900 сўм маблағлардан ҳам ўз ўрнида фойдаланилмади.

Навоий вилояти ва шаҳар қўрғонларининг муҳандислик қурилишлари учун сарфланиши лозим бўлган бу маблағлар тўғридан-тўғри қурилиш материаллари сотиб олиш учун бошқарма ҳузуридаги ишлаб чиқариш технологик бутлаш бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Улар ўз вақтида вилоят туманларидаги якка тартибда уй-жой қуриш бўлинмаларига ажратилганида эди, якка тартибда уй-жой қурилишининг аҳволи бу қадар ночор аҳволга тушиб қолмаган бўлар эди.

Шуниси ажабланарлики, шундай катта маблағлар ҳисобига олинган қурилиш материалларининг деярли ҳаммаси бирлашмага алоқаси бўлмаган ҳар хил кичик корхоналар, ширкатларга сотиб юборилган. У ҳам имтиёзли нархларда эмас. Аҳолининг шиферга бўлган эҳтиёжи ҳеч кимга сир эмас. Бошқармада эса 3340 дона шифер юқоридаги ташкилотларга, атиги 882 донаси аҳолига сотилган. Бирлашма раҳбаридан «Нега имтиёзли баҳоларда қурилиш материаллари сотилмаяпти?» деб сўраганимизда у бизда имтиёзли нархларда сотиладиган қурилиш материалларининг ўзи йўқ» деб жавоб берди. Йўқ бўлса, уни топиш бирлашманинг вазифаси эмасми?

Ўтган йили бирлашмага ташкилот ва саноат корхоналари томонидан ўтказилган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаганлиги учун бу йил ўша ташкилотлар деярли маблағ ажратишмади. Бу албатта, бирлашманинг айби. Негаки, муҳандислик ишлари чала, деярли катта бир даҳа қурилиши бутунлай тўхтаб қолган. Натижада қурилиши «туя гўшти еган» бу қўрғонлардаги муҳандислик коммуникациялари нархининг йилдан-йилга ошиб бориши, шаҳар ва корхона ташкилотларининг якка тартибда уй-жой қурилишига нисбатан норозилиги ва ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Навоий вилоятидаги ушбу бирлашмада аҳвол нега бундай ночор? Бирлашма раҳбари Шуҳрат Шариповнинг ўз мутахассислиги бўйича ишламаётганлиги (у Самарқанд гидромелиорация техникумини тугатган), малакаси ва билими етишмаётганлиги ўзига панд бермаётганмикан? Шунинг учун у йирик қўламдаги қурилишнинг сиру синоатларини тушунмаётган бўлса ажабмас?!.

Янги йилнинг биринчи ярми ҳам бесамару беиз ўтиб кетди. Бирлашма фаолиятида қачон бурилиш бўлади? Бу саволга жавобни бирлашмадан ололмадик. Балки энди вилоят ҳокимлигидан унга жавоб топилар?!.

Гулнора САМИЕВА,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ДИҚҚАТ! — «АДОЛАТ»га ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Бош нашри — «АДОЛАТ» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ газетасига айни пайтда ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

«АДОЛАТ» газетаси ҳозирча ҳафтада бир марта кўп нусхада сотувга чиқади.
— шахсий обуначиларга 5 ойга — 48 сўм.
Индекс — 6459.
— корхоналар ва ташкилотлар учун 5 ойга — 75 сўм.
Индекс — 64598.
Сиз «АДОЛАТ» газетасига исталган алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

«АДОЛАТ»
СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

• Ўзбекистон Мустақиллигининг тўрт йиллигига

ПОЙИНГДАГИ ЖАННАТ ТУФРОҚ — ИСТИҚЛОЛ, БЕШИГИНГДА ЧАҚНАБ ЁТАР ИСТИҚБОЛ

МУҚАДДАС БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакат раҳбари мажлис аҳли эътиборини нишонланажак мустақиллик байрамининг халқимиз маънавияти билан бевосита боғлиқлигига қаратди. Саҳналаштириладиган томошаларда миллий байрамимиз мазмуни ва тарихий аҳамияти теран очиб берилиши кераклигини қайд этди. Халқимиз маънавий ҳаётида истиқлол шарофати билан туб бурилиш юз бергани, асрлар мобайнида мустақиллик туйғусини дилида асраб-авайлаб келган кишиларимизнинг орзуси рўёбга чиқиб, ғурури ўсгани, умуман, Ўзбекистон тарихидаги изчил ҳамда теран ривожланиш, иқтисодий ютуқлар ва маънавий камолот — байрам томошаларининг бош мазмуни ва моҳияти ана шулардан иборат бўлмоғи лозим. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, барча жабҳаларда катта ютуқларга эришаётган жонкуяр ва меҳнатсевар халқимизга муносиб байрам томошаларини тақдим этишимиз фарзу қарздир, деди юртбошимиз. Мустақиллик байрами, миллатидан қатъий назар, республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ёдида қоладиган бўлиши керак. Бунинг учун эса теран ижодий изланишларга асосланган бутунлай янгича байрам дастурини тузиш, унда янги шеър, куй ва қўшиқлар, саҳна томошаларига кенг ўрин ажратиш зарур. Вилоятлардаги истеъдод эгаларига санъатларини намойиш этишлари учун имконият яратиб бериш лозим. Байрам томошаси шундай маънавий таъсирчан бўлиши керакки, бош майдонга келадиган меҳмонлар ҳам, бу шодиёналарни ойнаи жаҳон орқали кўрадиган ҳар бир киши ҳам ундан баб-баравар тўлқинлансин, катта руҳий ва тарбиявий озуқа олсин, деди Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда, шунингдек, сентябрь ойида Тошкентда бўладиган биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилинди. Президент республикамизнинг бир қанча спорт иншоотларида амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари билан танишди. Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиши маросими ўтажак «Пахтакор» марказий ўйингоҳини безатиш ҳамда спорт ўйинларини ўтказиш юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқарилди. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Муқаддас орзу ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир.

Ислом КАРИМОВ.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Чет эллар билан ҳамкорликни йўлга қўйган «Намангантекстил» хиссадорлик жамияти катта ишларни уддаламоқда. Ўзбекистон давлат енгил саноат уюшмасига қарашли «Ўзлегимпек»ташқи иқтисодий алоқалар фирмаси кўрсатаётган беминнат ёрдам корхонани бозор иқтисодиёти машаққатларни қисман енгишда асосий омилга айланаяпти. Эни 1,5 метрли бўз матоси биринчи шартнома бўйича Туркияга 800 минг сўмга сотилди. Чиқиндиларни қайта ишлаш цехига Германиядан кўпгина эҳтиёт қисмлар олинмоқда. «Маливат»нинг машина игналари айниқса, корхонага катта фойда бермоқда.

Ирландиянинг «Рейстонгруппа», Польшанинг «Антелов» фирмалари ҳам жамоанинг манфаатли ҳамкорлигидан баҳраманд бўлаяпти.

Бу ҳаракатлар эса корхонада ишлаётган 12 мингдан ортиқ тўқимачиларни икки сменада мунтазам меҳнат қилишларига ва уларни ижтимоий ҳимоясига тўлақонли хизмат қилаяпти. Ҳамкорлик ҳар иккала томонга ҳам фойда бермоқда.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

Мустақиллик байрамининг тўрт йиллиги арафасида Уйчи туманидаги «Охунбобоев» номли фермерлар уюшмасида янги темир йўл станцияси ишга туширилди. Бу туфайли туб аҳолига катта қулайлик яратилди. Улар янги бекатдан манзилларига етиб олиш билан бирга етиштирган маҳсулотларини ҳам жойларга жўнатмоқдалар.
Суратда: янги станция навбатчиси Икром Сувонов иш устида.

Т. Маҳкамов олган сурат.

БИРИНЧИ БОСҚИЧГА БЕРИЛГАН БАҲО

Тўрт йилдирки, ҳақиқий озодлик, мустақиллик нашидасини суриб, эркин нафас олаяпмиз. Шу йиллар оралиғида тарихимиз, тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз, динимиз ва қадриятларимизни қайтадан сайқал топтиришда озмунча ишлар қилинмадими? Юртбошимиз ибораси билан айтганда, тўрт йил муқаддам, «Ўзбекистоннинг буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик». Энди бундай ўйлаб қарайдиган бўлсак, бу шунчаки орзулар мажмуаси — ҳавас эмас, балки шу юрт халқининг асрий хоҳиш-иродаси, қалб-қўридаги нидоси ва муштарак мақсади эди. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис сессияларида сўзлаган нутқида аниқ ва лўнда таърифлаб берганидек, «халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, миллий давлатчилигимизни рўёбга чиқаришда, узоқ йиллик маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дин ва тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қайтадан қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Шулар қаторида Ўзбекистоннинг бошқаларга ўхшамаган ўзига хос тамойиллари, миллий ғурур, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғунлашмоқда».

Истиқлол. Бу сўзнинг рамзий маъноси нақадар кенг эканлигини халқимиз тушиниб етаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Ана шу истиқлол туфайли давлатимиз рамзи бўлган гербимиз, ўз мадҳиямизга эга бўлдик. Жаҳон миқёсидаги анжуманларда, муҳим тадбирларда Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирамоқда. Мустақиллигимизнинг яна бир белгиси — топталган қадриятларни тиклашда адолат мезонлари бош мавқени тутаяпти. Шунингдек, бозор иқтисодиётига халқимиз руҳияти, миллий анъаналарга мувофиқ равишда босқичма-босқич ўтаяпмиз. Давлат сиёсатида ҳам адолат мезонлари қарор топганлиги туфайли тўрт йилдирки, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик сақланмоқда, халқ манфаати йўлида ташаббускорлик, изланишлар кенг қулоч ёймоқда.

Афсуски, Ўзбекистон халқларининг тинчлик йўлини тутганлигини, иқтисодий оғир шароитларга қарамай, истеъмол бозорини яратишда ўзига хос мактаб яратаётганлигини қўролмасдан орқаворотдан тош отаётганлар ҳам йўқ эмас. Бироқ улар бизга ненигки, раво кўрмасинлар, ҳақиқатни, адолатни чаплаб бўлмайди. Шу ўринда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг республикамизга расмий сафар билан бўлган чоғида «Ўзбекистондаги ўзгаришлар кишини ҳайратга солади» деган сўзларини мисол қилиб келтиришни лозим топдик. Яна таъкидлаш керакки, давлат раҳбари билдирган ана шу фикрлар нафақат юртимиз жамоатчилиги, балки истиқлол туфайли қисқа даврда эришган ютуқларимизга, қолаверса, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг биринчи босқичига берилган муносиб баҳо эди.

Умуман, бошқалар қатори кўпмингсонли юртимиз аҳли ҳам мустақиллик фақат сиёсий тушунча эмас, балки буюк маънавий неъмат эканлигини англаб етаётир. Ана шунинг учун ҳам қалбларимиз, шуурримиз тобора адолат тамойилларига, иймон-эътиқодга, ҳалоллик ва покликка ошуфта бўлаяпти, ўлар мезонларига амал қилаяпти.

Гап мустақиллик келтирган буюк неъматлар ҳақида бораркан, ана шу даврда юртимизда шаклланиб, кенг қулоч ёзаётган кўппартиявийлик тамойилларига алоҳида тўхталиб ўтиш ҳам ўринлидир. Бугун юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга назар ташларканмиз, муҳим ишларда мавжуд партияларнинг ҳар бири қўшаётган ҳисса яққол кўзга ташланади. Ҳеч эсимдан чиқмайди, собиқ Иттифоқ даврида бизнинг жамоамизда ҳам партия ташкилоти бор эди. Тўғриси, бу ташкилот жамоани ташаббускорлик кўрсатиб, янгиликлар яратишга ундаш ўрнига, юқорининг топшириқларини бажаришга, ортиқча сафсатабозлиг мажлисбозликларга ружу қўйишга даъват этарди. Бир гал ташкилот раҳбари юқоридан келган топшириқни бажармай, жамоага ўз фикр-мулоҳазасини, яъни бу ишлар унга ёқмаётганлигини айтгани учун ҳам уни юқори ташкилот ўз сафидан чиқарганди.

Нега бу мисолни келтираяпман? Боиси шундаки, кўппартиялик даврида, аввало, хоҳиши бор киши қайси партияга кирмоқчи бўлса, унга йўл кенг очиқ. Иккинчидан, бу партияларнинг аввалгиларга ўхшамаган ўз Низоми, Дастури бор. Энг муҳими, уларнинг барчасида ҳам миллийлик, мустақиллик ришталари уфуриб турибди. Алоҳида ҳолда олиб кўрадиган бўлсак, «Адолат» социал-демократик партиясининг Низом ва Дастури билан яқиндан танишганман. Унда республикамизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо қилишда, ижтимоий адолат ўрнатишда, инсон ҳуқуқлари эркинлиги ва бурчларини таъминлашда, байналмилалчилик ақидаларини камол топтириш ҳамда миллатлараро муносабатларни яхшилашда давлатга камарбаста бўлиб хизмат қилишга қаратилган эзгу мақсадлар мавжуд.

Ўз ўрнида шуни ҳам айтиш жоизки, бу эзгу мақсадлар мажмуаси айни пайтда амалга татбиқ этилаётганлиги кўзга яққол ташланмоқда. Тўғриси, ўзим ҳозирча ҳеч бир партияга аъзо эмасман. Лекин туманимизгаги барча соҳаларда, жумладан, маориф ва маданиятда, ишлаб чиқаришда, тадбиркорлиқ умумий кенгашларда, маҳаллаларда партиялар кўрсатаётган ташаббускорликлар туфайли анча олдинга силжишлар борлигини сир тутолмайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Лекин шунга қарамай, аҳён-аҳёнда бўлса-да, партиялар керакми? — деган сўзларни ҳам эшитиб ранжийсан киши. Кимга қандайлигини билмадим-у, фикримча, партиясиз жамиятни ҳам тасаввур қилиш қийин. Жамият бор жойда эса албатта, рақобат бўлади. Ана шу рақобатларни яхши томонга буриш, ўзаро ҳамкорлик қилиб, биринчи навбатда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда партиялар муҳим ўрин тутишини унутмаслигимиз керак.

Ва ниҳоят, кўппартиявийлик ҳақида фикр юритганда уларнинг барчасида ҳам ҳалоллик ва фидойилик, ташаббускорлик ҳамда изланувчанлик бош меъзонлардан бири эканлигини ёдда тутиш лозим.

Таълим тизимида бўлганлигим туфайли истиқлол шарофати билан шу соҳадаги ўзгаришларга ҳам икки оғиз тўхталмоқчиман. Тўртинчи йилдирки, бошқалар андозасига ўхшамаган, таълимда ҳам, тарбияда ҳам ёш мутахассислар тайёрлаш, дастур ва дарсликлар яратишда ҳам ўз услубимиз, тажрибаларимиз борлиги амалда исботланмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни кучга киргач, ташаббускорларга янада кенг имкониятлар яратилди. Эндиликда жамоамиз аъзолари орасидан ўзимизнинг Амонашвили, Макаренко сингари илғор педагогларимиз етишиб чиқмоқда. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг тест ва рейтинг усуллари амалда жорий этилаяпти. Бу эса таълимга адолат тамойиллари кириб келаётганлигидан далолат.

Дарвоқе, педагоглар ва мураббийлар орасида ҳам партияларга хайрихоҳлик билдириб, аъзо бўлаётганлар кўпчиликни ташкил этаяпти. Тўғриси, улар олиб бораётган барча ишларда бошқаларга нисбатан ишчанлик руҳияти мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат тарихида шундай босқичлар бўладики, улар йиллар силсиласида ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб, муайян халқ солномасини нурафшон қилиб, авлодларга тақдим этади. Шу маънода мустақиллик боис она Ўзбекистонимизнинг янги, нурафшон, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг тарихий иккинчи босқичи бошланди, десак муболаға бўлмас. Албатта, ўтиш даврида ўзига хос айрим қийинчиликлар, муаммоларнинг бўлиши табиий ҳол. Аммо ана шундай пайтда кенг жамоатчилик, эндиликда, тобора халқ орасида нуфузи ортиб бораётган партиялар ислоҳотлар жараёнидан четда қолмаслигига аминман.

Мана, яна саноқли кунлардан сўнг, мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини нишонлаймиз. Айтиш мумкинки, бу муқаддас кун республикамизда иқтисодий ислоҳотлар жадаллашаётган пайт билан ҳамоҳанг бўлиб, унинг силсиласи асрларга татигулик бўлади.

Тўрабек ЖЎРАБЕКОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми директори, фахрий автомобилчи.

СОЛИҚ ТИЗИМИ АДОЛАТЛИ ТАМОЙИЛЛАРГА ТАЯНАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришганига ҳадемай тўрт йил тўлади. Шу қисқа давр ичида Республикамиз ижтимоий ҳаётида мисли кўрилмаган даражада туб ўзгаришлар — иқтисодий, маънавий, маданий, маърифий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказилди ва ўтказиб келинмоқда. Республикамиз ҳаётида бўлиб ўтган ижтимоий ўзгаришлардан бири — бу солиқ тизимининг шаклланиши ва давр талабига кўра такомиллашувидир. Республикамизда ягона солиқ сиёсатини амалга оширувчи Давлат солиқ қўмитаси ташкил қилинди.

Давлат солиқ қўмитасининг ўзига берилган ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган асарида халқ хўжалигининг кўплаб соҳалари қатори солиқ тизимини келгусида янада такомиллаштириш, кичик ва хусусий корхоналарнинг, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ-пухта ягона солиқ сиёсатини олиб бориш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Она заминимиз — бойлигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир. Буюк аждодларимизнинг руҳини нурафшон қилиб турган, бизга илҳом бераётган ва эгнимизни бут, қорнимизни тўқ қилаётган шу муқаддас заминга муҳаббат бамисоли битмас-туганмас чашмадек қайнаб турибди.

Юртбошимизнинг бу қимматли фикр-мулоҳазалари ҳаётимиз ўтмишига назар солишни, авлод-аждодларимиз тарихини ўрганишга, ўзимизнинг кимлигимизни англашга, ота-боболаримиздек Ватаним деб, юртим деб ёниб яшашга, керак бўлса шу Ватан учун, шу юрт учун, ўз халқининг бахти-саодати учун курашиб яшашга даъват этади. Она заминимизни ардоқлаш, қадрига етиш ва асраб-авайлаш, келгуси авлодларимизга муқаддас мерос сифатида соф, гўзал ва серҳосил қилиб қолдиришлик шу заминда яшовчи ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканлигини тақозо этади.

Солиқ тизимининг ривожланиши тўғрисида фикр юритар экамиз, халқимизнинг ранг-баранг бўлган турли анъаналарга, урф-одатларга ва юксак маънавий фазилатларга бой бўлган тарихий ҳаётига назар солмасдан ўта олмаймиз.

Ўзбекистоннинг илмда, тафаккурда мустақил бўлиши учун курашган, уни ўз халқига яқинлаштиришга, миллий маънавиятни тиклашга интилган миллатпарвар, ватанпарвар алломалар, фан намояндалари, буюк сарбадорлар, жаҳонгирлар халқнинг ҳурмат-эътиборида бўлиб келганлар.

Тарихда машҳур алломалардан бири буюк бобомиз Амир Темурдир.

Темур Ўрта Осиё (Мавороунаҳр) сиёсий ҳаётида XIV аср 50-йилларининг охири ва 60-йиллар бошларида кўринди. Темур тарихчилар тасвирича ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбоблардан эди. Унинг «Тузуки Темур» — «Темур Тузуклари» асарини ўқиган киши бу фикрнинг ҳаққонийлигига қаноат ҳосил қилади. Ушбу асарда Темурнинг доктиринаси изоҳланган.

Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Темур ёзади:

«Солиқлар йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги ҳарбий кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади.

Ўша даврда тундик закот — тутун солиғи, питир — жон солиғи, ушур-даромад солиғи, хирож — ерсув солиғи ва турли хил божлар ундирилиши жорий қилинган бўлиб, Солиқлар қоидасида мужассамлаштирилган.

Амир Темур ҳукмронлик қилган давлатларда шу ўлканинг даромади ва маҳсулдорлиги ҳақида маълумот тўпланган. Бу ўлканинг халқи олдинги тартибларнинг сақлаб қолинишини истаса уларнинг хоҳиши инобатга олинган. Акс ҳолда, солиқлар Қоидага мувофиқ, белгиланган ва жорий қилинган.

Солиқлар ернинг маҳсулдорлигига ва жорий қимматига биноан белгиланган. Масалан, бирор фуқаро доимий суғориладиган ерга эга бўлса ва ариқ суви тўхтовсиз оқиб турган бўлса, бундай ердан олинадиган даромад уч қисмга бўлиниб, учдан икки қисми ер эгасига қолдирилган, бир қисми солиқ сифатида ундирилган. Агар ер эгаси солиқни пул ҳисоби билан тўлашни истаган бўлса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми жорий қиймат бўйича пул ҳисобига айлантирилиб олинган. Агар фуқарога бу тартиб ҳам хуш келмаса, у ҳолда ҳосилнинг ҳар уч ботмонидан алоҳида-алоҳида ҳақ олинган, яъни биринчи ботмондан 3 чорак, иккинчисидан 2 чорак, учинчисидан эса 1 чорак ҳосили олинган. Агар фуқаро солиқни натура шаклида тўлашни истамаса, унда бутдойнинг бир чораги беш кумуш миқолга, арпанинг бир чораги 2,5 миқолга баҳоланарди. Лекин халқдан олинадиган солиқларни ҳар хил баҳоналар билан кўпайтиришга сира йўл қўйилмаган.

Куз, қиш, баҳор ва ёз давомида ҳосил берувчи ҳамда фақат ёмғир суви билан суғориладиган ерлар ҳосили иккига бўлиниб, бир бўлагининг учдан ёки тўртдан бир қисми солиқ сифатида олинган.

Ўтдан, мевадан ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан, шунингдек, хўжалик анжомларидан, ҳовузлардан, яйловлардан ва шу каби бошқа қийматбаҳо ер бойликларидан олинадиган солиқлар амалдаги қоидаларга мувофиқ белгиланган. Агар фуқаро бунга норозилик билдирган ҳолларда унинг хоҳиш-иродаси инобатга олинган ҳолда солиқ ундириш тартиби белгиланган.

Галла йиғиб олинмасдан бурун солиқ тўлаш қатъиян ман қилинган.

Солиқ муайян уч муддатда тўланган. Агар фуқаро солиқни дилдан рози бўлиб, ўз вақтида тўлаб борса, унда солиқ йиғувчига ҳожат бўлмаган. Солиқчига зарурат туғилган ҳолларда, у (солиқчи) давлат солиқларини йиғиш учун сўз ва таъсир кучи билан кўпроқ ҳаракат қилишган. Лекин ҳеч вақт бу ишда таёқ, қамчи ёки занжир ишлатилмаган.

Бирор шахс ўзлаштирилмаган ерни ишлаб, уни суғориб, экин экса ёки ерни яроқли қилса, биринчи йили солиқдан озод қилинган. Иккинчи йили фуқаро ўзи истаганича тўлар, учинчи йили эса солиқлар ҳақидаги Қоидага бўйсинар эди. Агар бадавлат ер эгаси зўравонлик қилиб, камбағални қисиб қўйса ёки унга зарар етказса, у ҳолда ўша бой барча қилмишлари учун жавобгар бўлиб, жабр кўрган одамга ўз давлатидан беришга мажбур бўлган.

Солиқ қоидаларини бузган айбдор шахснинг гуноҳи тўртта далил билан исбот қилинса, у кишига қилган айбига қараб жазо берилар ёки жарима солинарди.

Шаҳар ва қишлоқлардаги карвонсаройларда қоровуллар ва соқчилар бўлиб, уларга йўловчиларнинг, фуқароларнинг тинчликосойишталигини, хавфсизлигини таъминлашга ғамхўрлик қилиш, содир бўлган ўғирликларни фош қилиш ва айбдорларни жазолаш масъулиятлари юклатилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг фармонига кўра ҳар бир шаҳарда мачит, мактаб, мадраса, камбағал ва мискинлар учун ғарибхоналар, доимий табиблар билан таъминланган шифохоналар қурилган, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун соқчилик жорий этилган. Бу олийҳиммат ишларнинг сарф-харажати учун доимий равишда йиғилган солиқларнинг бир қисми ажратиб борилган.

Ҳар бир ўлкада учтадан вазир тайинланган. Биринчиси халқ учун тайинланиб, у фуқаро тўлайдиган солиқлар бўйича аниқ ва тўғри ҳисобни олиб бориб, йиғилган солиқларни қайси йўл ва қоидага асосан тўпланганлиги ҳақида ҳисобот бериб борган. Иккинчи вазир аскарлар учун тайинланиб, у олган ва олиши керак бўлган моянанинг ҳисоб-китобини қилиб борган. Учинчи вазир сафарга кетган кишиларнинг молмулкини, эгасиз ётган ерларни назорат қилган.

Қозининг ёки диний назорат вакилининг розилиги билан қонун бўйича мулк ҳуқуқидан маҳрум бўлганларнинг мол-мулклари бу вазирнинг ихтиёрига ўтказилган (мусодара қилинган).

Амир Темур томонидан белгиланган солиқ тизими мустақил республикамизнинг солиқ тизимини шакллантиришда бевосита асос қилиб олинган десак, муболаға бўлмайди.

Республикамизнинг иқтисодий ҳаётида йиллан-йилга шаклланиб бораётган солиқ тизими ўтмишимиздан асрлар оша давом этиб келаётган қонуниятларга асосланган ҳолда, тенг ҳуқуқли ва адолатли тамойиллар асосида, Конституция ва қонунчилик устиворлиги тамойиллари асосида янада равнақ топаверади ва ривожланиб бораверади.

Бердиёр ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик бўлимининг Бош аллия маслаҳатчиси.

Суратда: Галладан мўл — ҳосил етиштирган Арнасой туманидаги «Хоразм» деҳқон ширкатлар уюшмасининг илғор механизаторлари ва механиклари Анорбой Ҳайитов, Содиқжон Беккулов, Жўлдос Азимбоев ва Пардабой Раҳматов қутлуғ айёмга муносиб совға ҳозирлашди.

Суратда: Қуйи Чирчиқ туманидаги М. Отажонов номли агрофирма бригадирлари Маъмиржон Исломбеков ва Исроил Нурматов юбилей ҳосилининг тўкинлигидан мамнун.
Шоназар ИБРОҲИМОВ ВА Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

• Галла мустақиллиги йўлида

ДОНИ БОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Маълумки, юртимиз аҳли азал-азалдан яратувчанлиги, сахийлиги ва меҳнатсеварлиги билан жаҳонга машҳур. Бироқ ана шундай саховатли юрт халқларининг улкан ишлари узоқ вақтлар бўғиб қўйилди. Фақат истиқлол туфайлигина истиқболларга кенг йўл очилди. Эндиликда қисқа фурсатда юртимиз аҳли барча соҳаларда ўзининг не чоғли қудратга эга эканлигини яна бир бор амалда исботламоқда. Чунончи, биргина республика деҳқончилигида давлат хўжаликлари жамоа хўжаликларига айлантирилди. Айни пайтда бу соҳада ишбилармон фермерлар сони ҳам кун сайин ортиб боряпти.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, она Ўзбекистон деҳқонлари бугун нафақат пахтаси билан, балки галласи билан ҳам довруғ қозонмоқда. Бу эса келажакка бўлган ишончга ишонч, ғурурга ғурур қўшади. Гап республикамизда галла мустақиллигига эришиш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар хусусида бораркан, деҳқонларимизнинг бу борадаги оғир ва машаққатли меҳнатлари ҳақида алоҳида тўхталмоқ лозимдир.

Галланинг ватанимиз иқтисодиётидаги тутган ўрни ва ҳаётий аҳамияти, бу борада бошқаларга тобе бўлиш мумкин эмаслигини тўғри тушуниб етган республика деҳқонлари об-ҳавонинг мўътадил бўлишидан қатъий назар, айниқса, бу йил улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Суғориладиган ва лалмикор ерлар ҳисобига ўтган йили деҳқонларимиз 800 минг гектарга уруғ сепган эдилар. Таъкидлаганидек, шароитнинг қандай келганлигидан қатъий назар айни пайтда унинг натижалари кўзга яққол ташланяпти.

Шу кунларда вилоятлардан олинаётган аниқ маълумотлар эса деҳқонларимиз кучига куч қўшмоқда, ўрим суръати жадаллашиб, етилган ҳосилни нест-нобудсиз йиғиб олишга ундамоқда. Дастлабки маълумотлар истиқлолимизнинг тўрт йиллиги арафасида галла хирмони кутилганидан ҳам зиёда бўлишини кўрсатмоқда. Жумладан, Фарғона вилояти деҳқонлари давлатга 86 минг тонна, андижонлик галлакорлар эса 87 минг тонна дон сотиб, кўзланган маррани эгалладилар. Бошқа вилоятларда ҳам ҳосилнинг охирги миқолигача саранжомлаб олиш учун зарур бўлган чоралар, техника воситаси ҳамда қўл меҳнатидан унумли фойдаланишнинг тадбирлари белгиланган.

Бугун ана шу ютуқлар силсиласи ҳақида фикр юритарканмиз, унинг замирида катта маъно борлигини ҳам эсда тутмоғимиз даркор. Илгарилари деҳқон меҳнати, унинг машаққатлари қадрланмас, йил давомида пешона тери билан етиштирилган ҳосил, айтиш жоиз бўлса, сув текинга қийматланарди. Деҳқон далаларда қанча меҳнат қилмасин, қанча ҳосил бермасин у ҳеч қачон моддий манфаатдорлик кўрмасди, ижтимоий муҳофаза қилинмасди.

Республика истиқлолга эришгандан сўнг юртбошимиз келажак истиқболини кўзлаб, деҳқон хўжаликлари учун ҳам бир талай имтиёзлар, имкониятлар яратиб берди. Эндиликда ер ҳақиқий эгасининг қўлига топширилди. Энг муҳими, фермер хўжаликлар, ширкат уюшмалари ва жамоа хўжаликлари қисқа фурсатда ўзларининг нечоғли кучга эга эканликларини амалда исботламоқдалар.

Ана шунинг учун ҳам галлакорлар эришаётган ютуқлар кишини ҳайратга солмай қўймайди. Яна мисолларга мурожаат этсак. Жиззах вилояти галлакорлари давлат хирмонига 240 минг тонна, Тошкент вилояти деҳқонлари 216 минг тонна, сирдарёликлар эса 175 минг тонна она Ватан хазинасига дон топшириб, йиллик режаларини уддаладилар. Бу эса ўтган йилги ҳосилдан тахминан 1,2 фоиз кўп, яъни гектаридан ўртача 32-36, лалмикор ерлардан эса 8-13 тонна демакдир.

Мамлакатимиз тарихида ҳали бундай улкан хирмон уюлмаганлиги бор ҳақиқат. Бироқ бу билан галлачиликда кўзланган режага эришдик, деган хулосага бормаслик керак. Маълумки, республикамизда суғориладиган ераларнинг ҳар бир қаричи ҳисоб-китобли. Шу боисдан ҳам лалмикор ерларда унумдорликни оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларини, галланинг серҳосил ва тез пишар навларини яратишни ҳам кўпроқ ихтиро қилишимизга, шунингдек, бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган техника воситаларидан унумли фойдаланиш ва ёқилғини тежаш борасида ҳам ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Лекин дастлабки ишлар бошлаб юборилганлиги келгусида халқимизнинг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларин қондиришга кафиллик борлигидан далолатдир. Бир мисол. Ҳозир мавжуд ерлар ва ўзлаштирилаётган янги ерлар ҳисобига келгуси йилдан 1 миллион 200 минг гектар майдонга галла экилади.

Яна бир фикр, асл деҳқон ҳосил чўғи, аввало, уруғнинг сифатига, унинг ерни нечоғли суғоришга боғлиқ эканлигини яхши биларди. Шу боис, кейинги йилларда галлачиликдан юқори ҳосил олишда Наманган вилоятида бир қанча тажрибалар шаклланаётганлиги қувонарли ҳол. Айтайлик, вилоят деҳқонлари уруғчиликка аҳамият бериб, жорий йилда 14 та махсус уруғчилик хўжалиги ташкил этдилар. Тажриба-синовлардан муваффақиятли чиқаётган навлар вилоят хўжаликларида кенг жорий этиляпти.

Ҳа, бугун галлачиликда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида ҳўп ва кўп гапириш мумкин. Республикамиз истиқлоли ана шундай муваффақиятларни қўлга киритишга замин яратади. Айниқса, деҳқоннинг бу йилги саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган улкан хирмон истиқлол солномасида янги саҳифа очиб беришига шубҳа йўқ.

Муҳими, республикамизда бошқа соҳалар қаторида галла мустақиллигига ҳам эришдик. Энди халқимиз галланинг ватанимиз иқтисодиётидаги тутган ўрнини ҳам том маънода ҳис этаяпти. Зеро, галла кўп бўлган жойда нон мўл бўлади. Нони кўп элнинг эса ризқ-рўзи бутун, бағри кенг ва кўнгли тўқ бўлади.

Раҳим ИСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг деҳқончилик бош бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

ЯНГИ АЭРОПОРТ

Аэропорт шаҳар дарвозаларидан бири ҳисобланади. Меҳмонларнинг қутлуғ қадами шу даргоҳдан бошланади.

Унинг ташқи ва ички кўринишига қараб шу юрт ҳақида фикр юритилади. Андижонда қурилиши мустақиллик байрамига ниҳоясига етказиладиган аэропорт ҳам шундай иншоотлардан бўлади. Шарқона миллий услубда қад кўтараётган бу бинога мос фавворалар, гулу гулзорлар кўзни қувонтиради.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Бўка туманида ҳам мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Байрам арафасида туманда 422 ўринли янги мактаб, деҳқон бозори, учта чойхона, иккита тегирмон, қирқдан кўпроқ хусусий дўкон ва бошқа иншоотлар ишга тушади. Эски бозорда ҳунармандчилик мажмуи барпо этилмоқда.

Супянбек ШЕРИПОВ:

«ЭНГ ДАҲШАТЛИ ВОҚЕА ҲАЛИ СОДИР БЎЛГАНИ ЙЎҚ...»

ЧЕЧЕНЛАР БИЛАН КЕЛИШИШ УЧУН, АВВАЛО, УЛАРНИ АНГЛАШ КЕРАК

«Шарқ — нозик масала...» сиёсатчиларимизга ҳақиқий Шарқ тўғрисида мана шу сийқаси чиққан иборадан бошқа нарса таниш эмасга ўхшайди. Акс ҳолда, Чеченистонда, Кавказда, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган, ҳозир ҳам бўлаётган ва чамаси ҳали узоқ давом этадиган воқеаларни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, гап ўз қонуни, ўз ақидаси, ҳаёт ва инсонга ўз муносабати бўлган алоҳида олам тўғрисида бормоқда. У ерда ҳамиша ҳам кўзга ташланавермайдиган одамлар кўпчиликка нуфузли бўлади ва уларнинг гапи кўпчиликка ўтади. Бу олам билан тинч яшаш учун, бу одамлар бизга нақадар кутилмаган ва ғайриоддий туюлмасин, уларни тушуниш ва гапларини тинглай олиш лозим...

Афгонлар уни Зулия, ҳиндилар эса Гуру дейишади. У билан учрашиш учун энг юксак лавозимларда турган кишилар: хорижий давлатлар элчиларидан тортиб КПСС Марказий Қўмитаси котибларигача Грознийга келишган. Банкир ва тадбиркорлар у билан маслаҳатлашиш учун атайлаб келиб туришган.

У ҳалокатдан сақлаб қолган кишиларнинг ҳаммасининг номини санаб ўтиш қийин. У доимий ҳомийлик қиладиган кишилар юзлаб саналади. Унлаб оилаларда у болаларга ота урнини босган.

У таниқли сиёсий арбобларнинг тақдирига ҳам таъсир қилган. Вячеслав Молотов умрининг сўнгги йилларида учрашмоқчи булган ягона инсон ҳам мана шу киши булган.

Бу инсоннинг исми Супянбек Шерипов.

У ҳеч қачон ўзини кўз-кўз қилмаган, юксак лавозимларни эгалламаган. Узоқ йиллар давомида у ўзини четга олиб юрган. Аммо ҳозир, Чечистон Россиянинг қонталаш жароҳатига айланган пайтда унинг гапини эшитса арзийди.

Бу — кўпчиликнинг назарида, бошқалардан яширин воқеаларни кўра оладиган Супянбек Шерипов билан биринчи суҳбатдир.

— Совет Иттифоқи парчаланиб кетаётганини сиз қачон англагансиз?

— Бу жараённи икки воқеа айниқса, тезлаштириб юборди. Улардан бири — Борис Ельциннинг «қизиллар армияси»га, яъни КПССдан сайланган СССР Олий Кенгаши депутатлари қаторига киритилмагани, иккинчиси — Гдлян билан Ивановнинг матбуот ва телевидение орқали чиқишлари бўлди. Улар афкор оммага жуда кучли таъсир ўтказган эди.

— Билишимча, Гдлян билан Иванов матбуот орқали ўз фикрини айтишдан олдин маслаҳат сўраб сизга мурожаат қилишган...

— Гдлян билан Иванов ҳузуримга келган тун ёдимда. Ўшанда ошкора ва узоқ суҳбат бўлганди. Суҳбат охирида улар Узбекистондаги олий партиявий шахсларнинг гаплари ёзилган видеокассетани кўришни таклиф қилишди. Мен уларга: «Мен ишора қилмагунимча кассетани ҳеч кимга кўрсатманглар», дедим. Ўзим эса, Москвага учиб кетдим.

— Гдлян ва Иванов билан учрашув сизда қандай таассурот қолдирди?

— Улар мен билан рўйпўст гаплашишди. Уларнинг хизмати шундаки, «узбеклар иши»ни текширишнинг турли вариантларидан ўзлари учун энг қийин йўлни — Марказий Қўмитада утирган порахўрларнинг номини айтишни танлаб олишди. Ҳуқуқшунос мутахассис нуқтаи назаридан олиб қараганда, бу — энг тўғри йўл, лекин сиёсий жиҳатдан...Бу йўл нималарга олиб боради?

Москвада шуни ўйладим. Гдлян билан Иванов эса, бу пайтда «Огонек» журналида «Қарама-қарши туриш» деган машҳур мақолани эълон қилган эди.

— Уларни Марказий Қўмитанинг бирор котиби билан учраштира олармидингиз?

— Учраштира олардим. Лекин бундай учрашувдан бирон-бир иш чиқмасди. Ҳамма нарса Горбачевга боғлиқ эди. Горбачев билан учрашишга фақат КПСС Чечен-ингуш вилояти собиқ биринчи котиби А. В. Власовнинг котиби ёрдам бера оларди. Власов эса, ушанда РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси эди. Мен унга мурожаат қила олмадим. Чунки орамиз бузилиб қолган эди. Аммо мен ва мен билан бирга бўлган кишиларнинг вазифаларидан бири — Власовни СССР Олий Кенгаши иккинчи палатасига айлантириш эди. Ана ушанда Горбачев ўз лавозимида тагин ҳам мустаҳкам ўрнашган бўларди.

— Супянбек, айтинг-чи, сиз Рашидов, Медунов ва Власовни нима учун бир-бирига яқинлаштиришни хоҳлаган эдингиз?

— Бу ишларнинг ҳаммаси Власов учун, унинг сиёсий лавозимга кўтарилишига ёрдам бериш учун қилинган эди. Бундан 15 йил муқаддам, вилоят қўмиталарининг биринчи котиблари ўз хотинлари олдида партияга қарши бир оғиз сўз айтишдан қўрққан бир пайтда Власов ҳаммага эшиттириб: «Агар мен ҳеч нарсага эриша олмасам, ҳаётимизда бирор нарсани ўзгартира олмасам, мансабимни ташлаб, дуконда газета сотганим яхшироқ», деган эди.

— Вилоят биринчи котиблари хусусида Грознийнинг омади бор экан-да?

— Йўқ. Шунчаки, Власов бошқача одам эди. Афсуски, ҳозир у раҳбарлар орасида эмас. Акс ҳолда, у чеченларни албатта ҳимоя қилган бўларди. Бир вақтлар у Марказий Қўмита котибиятида чеченларни дадил ҳимоя қилган. Власов бўлганида эди, рус оналари Грознийдаги вайроналар орасидан фарзандларини қидирмаган бўларди. Власов даврида қурилган чечен мачитларида «Чечеристон Россиянинг маккорлиги ва Кремлнинг пасткашлигини минглаб йиллар давомида унутмайди!», деган сўзлар ёнграмаган бўларди.

— Сизнинг-ча, Россияни нима кутмоқда?

— Россияда ҳақиқат йўқолган давр давом этмоқда. Келгусида халқаро майдонда ҳеч нарса Россияга боғлиқ бўлмайди. Сўнгги йилларда кўп нарса бой бериб қўйилди. Ҳеч бўлмаганда БМТни олиб қўрайлик. БМТ модели Ғарб билан Шарқ бир-бирига қарама-қарши бўлган даврда яратилган эди. Россия БМТнинг тутган ўрни ва мақомини ўзгартириши шарт эди. Сўнгги йилларда БМТ АҚШнинг БМТ ўрнини босиш имкониятларини истисно этадиган тарзда ўзгартирилиши лозим эди. Жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик овозида эндиликда Россиянинг ёлғиз овози кучлироқ эшитилишига эришмоқ керак. Шундай қилинса, Россия давлатининг чегаралари ишончлироқ ҳимоя қилинади. Ҳозирча эса, Ғарб Россия билан картада преферанс ўйнаётган бўлса, Россия Ғарб билан «аҳмоқ» ўйинини ўйнамоқда... Россия учун барча россияликларни бирлаштирадиган йўлни ўйлаб топиш қийин. Унга чинакам етакчи керак.

— Шундай етакчи борми?

— Ҳа, бор.

— Унинг номини айта оласизми?

— Йўқ. Ҳали вақт эрта. Аввало, Горбачев даври ниҳоясига етиши керак... Дарвоқе, бу ҳодисанинг тезда содир бўлишига ишончим комил! Депутат сиёсий дахлсизлик мақомига эга бўлиши лозим. У ҳеч қандай блок ва фракцияларга қўшилмаслиги керак. Диндорлар билан ҳудо ўртасида воситачи бўлмаганидек, депутатлар билан сайловчилар ўртасида ҳам воситачилар бўлмаслиги зарур. Бу — Россия учун жуда муҳим масала.

— Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги тасаввурларингизга мос келадиган одам борми?

— Бор. У — Узбекистон Президенти Ислом Каримов!

СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Узбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Каримов бирорта хатога ҳам йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар XXI аср Узбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради.

— Бунга Каримовнинг қандай фазилатлари туфайли эришилди?

— Узбеклар — руҳият жиҳатидан бутунлай бошқача одамлар. Ўз шаъни учун инсон жонини қурбон қиладиган қийин пайтларда уларга тенг келадигани йўқ. Гдлян билан Иванов қамоққа олишга келганда хонадон эгаси хотиржам кийинниб, ўзини ўзи ўлдириш учун кечирим сураб бошқа хонага чиқиб кетганида улар ҳайратда қолишган. Ҳатто чеченлар ҳам ўзбекларнинг ажалнинг кўзига мардлик ва совуққонлик билан қарай олишига ҳавас қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай халқни ўз муаммоларини митингда ҳал қиладиган оғир шароитга фақат игвогарлар ёки узбекларнинг дуппи кийиб юришинигина биладиган кишиларгина шундай шароитга солиб қўйиши мумкин. Каримовнинг митингларни тақиқлаб қўйиши қиргизлар, тожиклар билан узаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш қаби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўринли эди. Агар шундай қилинмаганида оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди. Мусулмон оламининг ўзга маърифатга қарамақарши туриши келажакнинг манзарасини белгилаб беришини ута сезгирлик билан аниқлади, уларнинг туқнашувини истисно этадиган заминни яратди. Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуглигини белгилайдиган сифатлардир.

— Сиз Каримовга у билмайдиган нарсани айта оласизми?

— Бу қийин иш. Лекин уриниб кўраман. Ҳар бир мамлакатда ўз давлат сири бўлади. Бу сирнинг очилиши миллий хавфсизликка зарар етказиши мумкин. Менинг назаримда, узбекларнинг узаро муносабатларини давлат сири қаторига қўйиш мумкин. Акс ҳолда, Москвада қандай узбеклар (афгонлар, чеченлар — дидга қараб, бунинг вариантлари бўлиши мумкин) яхши-ю, қайсилари ёмон ва кимларга қарши танкларни юбориш керак, деб тезда аниқлайдиган одамлар топилади. Мухолифатга келганда шуни айтиш лозимки, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳам мухолифлари бўлган. Аллоҳга шукурки, улар ғалаба қозонмаган.

— Чеченистондаги воқеаларни қандай баҳолайсиз?

— Чеченистонга тинчлик ўрнатиш учун келган кишиларга бир сирни айтмоқчиман. Вулқон — агар отилиб турсагина вулқон бўлади. Агар отилмаса, у вулқон эмас, оддийгина тоғга айланади, унда чанғи учиш мумкин бўлади. Чечен эса қасос олаётган пайтда ўзини чечен деб ҳис этади. Чеченларга тегинмаслик керак эди.

— Чечен урушига қадар сиз билан мулоқот қилган кишиларнинг ҳаммасига эркинлик ва истиқлол йўли турлича тушунчалар, Чеченистон эркинлик йўлини танлаб олиши керак, дер эдингиз.

— Бу гаплар вулқон отилгунига қадар айтилган эди.

— Ҳозир нима дейсиз?

— Мен ҳозир ҳам бизнинг тарихий йўлимиз — эркинликка борадиган йўл, деб ҳисоблайман. Бироқ Россия танклари бизни бошқа йўлга — истиқлол йўлига турғиб юборди. Бунинг маъноси шуки, Россия қўшинлари Чеченистонда турар экан, бу ерда тинчлик бўлмайди, чамаси узоқ йиллар давомида тинчлик бўлмайди.

— Нима учун?

— Чунки бу урушни бошлаган кишилар ва ҳозир уни тугаллашга ўринаётганлар бизнинг кимлигимизни билишни хоҳлашмайди. Москванинг иродаси билан биз Қозоғистонга кўчирилдик. Ушанда мен тўрт яшар эдим. Ота-онам билан Чимкент вилоятидаги Лангар қишлоғига тушганмиз. Бир воқеа ёдимда қолган.

Бир чечен ўз оиласини очликдан қутқариш учун ўн дона бошоқ ёки товуқми — нимаси ёдимда йўқ — ўғирлаган эди, уни ушлаб олиб, отга боғлашди ва отни чоптириб кетишди.

Чеченнинг қотилига ҳеч ким теккани йўқ. Ҳолбуки, ундан қасос олиш қийин эмас эди. Ҳалок бўлган чеченнинг ўғли қамолга етишини кутишарди. Йигит 16 ёшга тўлган куни унинг қўлига қурол тутқазиб: «Ана у — отангнинг қотили. Ўз бурчингни бажар. Биз ҳам қасос олишимиз мумкин эди, лекин меросни сенинг ўзингга асраб қўйдик», дейишди. У ўз бурчини бажарди. Ҳеч ким — на туққан онаси, на Оллоҳ Таоло чеченни қасос олиш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди. Биздан бу ҳуқуқдан воз кечишни талаб қилишнинг фойдаси йўқ.

— Ундай бўлса, ҳозир Чеченистонда юз берган аҳвол ўнглаб бўлмайдиган аҳвол экан-да?

— Йўқ, ундай эмас. Сиз буни тушуниб олишингиз учун яна бир воқеани гапириб бераман. Бу воқеа чеченлар олтмишинчи йилларнинг бошларида ватанига қайтиб келганидан сўнг юз берган. Хунталаблар ярашадиган кунда (Чеченистонда шунақаси ҳам бўлади) тоғ қишлоқларидан бирида одатдагидек жуда кўп одам тўпланди. Майдон марказида ранги учган, соч-соқоли ўсиб кетган (урф-одатга кўра, у одамлар орасида пайдо бўлишга ҳақли эмас) қотил, унинг қаршисида ўлдирилган кишининг балоғатга етган ўғли турар эди.

Бундай ҳолларда бўлгани каби, кўпчилик ўлдирилган кишининг ўғлига мурожаат қилиб: «Мана бу — отангнинг қотили. Сен энди балоғатга етдинг ва қасос олишинг мумкин. Лекин орамизда тинчлик бўлиши учун, яна бир оиладаги болалар етим қолмаслиги учун уни кечир, ҳозир сен уни ўлдирсанг, сенга ҳеч ким таъна қилмаса ҳам, кечир», деди.

Охирида йигитнинг ўзи гапирди. У қотилга қараб бундай деди: «Сен мени отамдан жудо қилдинг. Мен сенинг болаларингга ҳавас қилиб ўсдим. Бугун бу ерга тўпланган одамлар мени тарбиялашди. Мен отамдан қандай қарздор бўлсам, шу кишилардан ҳам шундай қарздорман. Шунинг учун уларнинг илтимосини бажармай туролмайман. Мен сени кечирдим. Бундан буён сенга худди ўз отамдек муносабатда бўламан, деб сўз бераман».

Чечен ярашиш вақтида берган сўзини бузган ҳол бўлган эмас. Биз билан муомала қилса бўлади. Чеченлар ишончли халқ. Лекин халқни қиришни давом эттираётган ва айни пайтда бизни ўзимизни ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган қонунни ўйлаб чиқарган кишиларга бу қоидани жорий қилиб бўлмайди.

— Қотиллик қилган одамлар сизга мурожаат қилишини биламан...

— Улар — оддий қотиллар эмас, рашк туфайли хун талаб қилиб, одам ўлдирган кишилардир. Яқинда ҳузуримга рашк қилиб хотинини ўлдирмоқчи бўлган киши келди. Онаси қўйнида ётган қизалоғи ҳалақит бериб, онасини сақлаб қолган экан. У ниятидан қайтиши учун мен юрагига етиб борадиган тўғри сўзларни топишга ҳаракат қилдим.

Бошқа бир воқеа. Ҳузуримга катта ёшдаги киши келиб, юрагини ёрди. У ўзини хафа қилган одамдан қасд олмоқчи экан. Қарасам, шашти баланд. Бундай одамларни шаштидан қайтариш жуда қийин... Бутун тун суҳбат билан утди. Тонгга яқин, тун кун билан алмашиши билан инсон руҳий ҳолати ҳам ўзгарадиган пайтда мен унга бир гапни айтдим. Суҳбатимиз чоғида миямга келган ягона бир фикрни айтдим. У фикримга қўшилиб, қасос олиш муддатини кечиктирди... Кейин хунрезликка йўл қўймаслиги учун етарли вақтга эга бўлдим.

— Бу осон иш бўлмаса керак?

— Албатта осон эмас. Лекин ҳаётдан ихтиёрий равишда кўз юмишга аҳд қилган кишилар билан видолашиш мен учун жуда оғир. Одатда ундай одамлар жуда ақлли ва олижаноб кишилар бўлади.

— Менга сизни бошқалар назаридан яширин нарсаларни ҳам кўра оладиган, деб таърифлашган эди. Айтинг-чи, динга ишонишга ҳаракат қилаётган одамларга нима дея оласиз?

— Эҳромдан чиққан одамгина эҳромнинг йўлини топа олади. Агар менинг оилам яшаётган уй мен учун эҳром бўлмаса, на черков, на масжид мен учун эҳром бўла олади.

— Агар сизга дунёни ўзгартириш имконияти берилса, ишни нимадан бошлаган бўлардингиз?

— Одамларнинг орқасидан ёмонлашни, уларни табиат томонидан берилган ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишни тақиқлаган бўлардим.

— Келажакни қандай барпо қилиш мумкин?

— Келажакни барпо этиш инсоннинг ихтиёрида эмас. Келажак ўтмишга тааллуқли, ўтмиш эса — инсонники. Инсон ҳозирги даврга, ҳозирги давр эса, коинотга қарашли. Коинот — чексиз. Чексизлик вақтга қарашлидир. Вақт эса, ҳеч кимга бўйсунмайди.

Кимки бу сўзларнинг маъзини чақа олса, у ўз вазифасини англай олади... Мен эса, бурчимни охиригача бажариш учун тоққа қайтаман.

Андрей МИХАЙЛОВ,
Кизляр шаҳри.
(«Век» газетасининг 1995 йил 21—27 июль сонидан).

Ойнаи жаҳонда

7 — 13 август

ДУШАНБА, 7

ЎзТВ I
17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Доктор Айболит". Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри спектакли. Телепремьера.
19.15 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Фасли ёз".
20.05 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ёшлигим".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов.
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 1-қисм.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Ҳуқуқ ҳимоячилари".
19.30 "Уй остонадан бошланади..."
19.50 "Саломатлик — туман бойлик".
20.20 "Спорт-тайм".
20.50 — 22.30 "Шоирнинг тақдири". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 00.10

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Миниатюралар". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 Истиқлол жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Салом, ёшлар!"
21.30 Жаҳон географияси.
22.20 Эълонлар.
22.25 Видео — "О".
00.05 Эълонлар.
00.10 "Курьер".
00.30 "...яна об-ҳаво ҳақида".
00.40 — 00.50 "Постфактум".

СЕШАНБА, 8

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 1-қисм.
9.10 Немис тили.
9.40 "Ёшлик" студияси. "Онамнинг ўгитлари".
10.20 "Болангиз мактабга тайёрми?"
10.50 "Ишбилармон".
11.20 Ўзбек куйларидан концерт.
12.00 — 13.35 "Буланка меҳмонхонаси". Бадиий фильм.
***
17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Қўнғироқча".
18.40 "Маърифат бешиги".
19.10 "Кеча ва бугун".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида.).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Уч дугона — уч моҳирўй". Мусиқий кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 Истиқлол ва истиқбол. "Мен озодликка интилдим".
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 2-қисм.
23.05 Эълонлар.
23.10 — 23.35 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.25 Видеогид.
21.45 "Теле-ателье-шоу".
21.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.35 — 00.15 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Салом, Франция!".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Спектр".
21.25 "Жаҳон ва биз".
21.55 "Соккер-клуб".
22.40 — 22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 9

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 2-қисм.
9.05 "Янги алифбони ўрганамиз".
9.35 "Ёзимиз соз ўтмоқда".
10.05 Талабалар саҳнасида.
11.05 "Билим ва амал".
11.45 Самарқанд вилоят "Дарғом таронаси" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
12.25 — 14.25 "Ёшлик" видеоканали.
***
17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Тилга эътибор..."
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 "Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Инсон ва қонун".
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 Истиқлол ва истиқбол. "Озод юрт қўшиқлари".
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 3-қисм.
23.20 Ўзбекистон телевидениеси сида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Наманган вилояти.
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Кичик дебют".
19.00 "Шинам шаҳар".
19.45 "Тошкент оқшомида".
20.45 "Хусусийлаштириш".
21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
ЎзТВ
20.45 — 22.00 "Одамато ковурғаси". Бадиий фильм.
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 — 23.30

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Сахий хонадонда".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
*
"ОМАД" таништиради:
19.50 Истиқлол жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 10

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 3-қисм.
9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.40 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлкаки..."
10.10 Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
10.45 "Халқ оғзаки ижоди".
11.15 "Оламни асранг!".
11.45 — 13.45 Ўлмас Умарбеков. "Фотима ва Зуҳра". Мукимий номидаги Давлат мусиқали драма театрининг спектакли. Телепремьера.
***
17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Бу дамлар ўхшар эртакка..."
18.40 "Компьютер-шоу".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ёш бастакорлар". Султонали Раҳматов.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Саньатга бахшида умр". Рустам Бобохонов.
22.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 4-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.50
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.50 — 23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Эсдалик учун дастхат".
20.15 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 "Умид" (уйғур тилида).
22.05 "Қиммат ва қиймат".
22.35 — 23.05 "Фармон ва ижро".

ЖУМА, 11

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 4-қисм.
9.05 Немис тили.
9.35 "Ёшлик" студияси. "Баҳс".
10.20 "Ўзкинохроника" студиясининг ҳужжатли фильмлар дастури.
11.00 "Компьютер-шоу".
11.45 — 13.10 Тоҳир Малик. "Заҳарли томчилар". Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
***
17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 Болалар учун. "Қувноқлар даврасида".
18.55 "Фан фидойиси". Академик Восил Қобулов.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 I Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
20.20 Истиқлол ва истиқбол. "Достонларда битган гулистон".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 5-қисм.
22.25 "Д. Д. Д. ва бошқалар". Спорт кўрсатуви.
23.25 "Назм ва наво". Оғаҳий лирикаси.
00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.45 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар дунёси.
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши".
20.00 "Шаҳар юмушлари".
21.00 "5+1".
21.30 "02" тўлқинида.
21.55 — 23.00 "Эгнар чашмаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.50

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мульткарусель".
19.00 "Зумраша" ҳузурида меҳмонда".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 Истиқлол жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Кулгига нима етсин".
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 12

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 5-қисм.
8.55 Оналар мактаби.
9.25 "Раъноларни сев, гулим", Мусиқий композиция.
10.05 Футбол бўйича "Пахтакор-79" хотира турнири. Финал.
10.50 "Ўзбекистон — Ватаним маним". Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 1 йиллигига бағишланган видеофильм.
13.30 — 15.30 "Маънавият" видеоканали.
***
17.55 Истиқлол жамоли. Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Саньат ғунчалари".
18.35 "Ёшлик" студияси. "Қизлар даврасида".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбекистоним сенга". Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев куйлайди.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ хазинасидан. Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 6-қисм.
22.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон — Киргизистон олимпиада терма жамоаларининг учрашуви.
00.10 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ателье-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
13.05 "Кинонигоҳ".
14.45 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Рок-сеанс".
19.50 "Пульс". Хабарлар.
20.05 "Менинг кўчам".
20.20 — 22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25 — 20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.55

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Замандас" (қозоқ тилида).
10.50 "Дўстим Тиманчи". Болалар учун фильм.
12.00 — 12.25 "Тадбиркорлик мактаби".
***
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мульткарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Қўли гул кишилар". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Чинсэн".
20.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.40 "Дўстларимиз сайёраси".
21.20 "Одамлар, йиллар, ҳаёт".
22.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.30 — 23.30 "Деҳқон даладан қайтди".

ЯКШАНБА, 13

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Истиқлол жамоли.
8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.05 Ойбек. "Қутлуғ қон". Видеофильм. 6-қисм.
**10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қ

ЎЗБЕК ОЛИМАСИ — ЙИЛНИНГ МАШҲУР КИШИСИ

Америка Қўшма Штатларининг Шимолий Каролинадаги биографик тадқиқотлар халқаро институти самарқандлик олима Роҳат Носировани «1995 йилнинг машҳур кишиси» деб эълон қилди.

Биология фанлари номзоди, Л. М. Исаев номидаги тиббиёт паразитологияси институтининг катта илмий ходими Роҳат Носирова фанга қўшган катта ҳиссаси учун Америкадаги нуфузли халқаро ташкилотнинг эътиборига сазовор бўлди. Олиманинг қатор йиллардан буён лейшманиоз касаллигини келтириб чиқарувчи микроблар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш асосида чиқарган хулосаси касалликка қарши самарали эмлаш препаратининг яратилишига олиб келди. Ҳозир бу препарат касаллик тарқалиш хавфи кўпроқ учраётган иқлими иссиқ мамлакатлар — Эрон, Афғонистон, Покистон ва Африка давлатларига тавсия этилмоқда.

Олиманинг 30 дан ортиқ илмий ишлари Германия, Болгария, Венгрия, Франция сингари мамлакатларда нашр этилган. Унинг ҳамкасблари билан биргаликда фаннинг муҳим йўналишлари бўйича олиб бораётган тадқиқотлари жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эътироф этилибгина қолмай, ўзбек олимларининг сермаҳсул изланишларини дунёга намойиш этмоқда.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз муҳбири.

Яхши дам меҳнатга ҳамдам. Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ТАЛАБАЛАРГА ИМТИЁЗ

Бухоро вилоятидаги олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳамда ҳунар-техника билим даргоҳларида ўқиётган 30 мингдан зиёд талаба шу йилнинг 1 августидан бошлаб шаҳарлараро йўналишларда қатнаш учун йўлкира ҳақининг 50 фоизи миқдорида чипта ола бошлади.

Бу борадаги харажатларни «Бухоротранс» вилоят давлат ҳиссадорлик бирлашмаси даромади ҳисобидан қоплайдиган бўлди.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Мен муқаддам автоҳалокат содир қилганлигим туфайли туман халқ суди томонидан 5 йил озодликдан маҳрум этилган эдим. Мана, жазони ўтаб қайтганимдан буён 6 йил ўтди. Энди мендан судланганлик тамғасини олиб ташлаш мумкинми, мумкин бўлса кимга мурожаат қилишим керак?

О. ШОКИРОВ, Чироқчи тумани.

— Агар, сиз 5 йил озодликдан маҳрум этилиб, жазони ўтаб чиққанингизга 6 йил бўлган бўлса, судланмаган деб ҳисобланасиз.

Янги қабул қилинган ва 1995 йил I апреллдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 78-моддасининг «д» бандида 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталгандан кейин 4 йил ўтгач, судланганлик ҳолатини тугалланган деб ҳисоблаш кўрсатилган. Бундан ташқари судланганлик белгиланган муддатдан олдин суд йўли билан олиб ташлаш тартиби ҳам қонунда кўрсатилган.

Бу мазкур қонуннинг 79-моддасида кўрсатилган бўлиб, ундан агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгандан кейин унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоа бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимос номасига кўра суд ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярмини ўтагандан кейин унинг судланганлигини олиб ташлашлиги мумкинлиги кўрсатилган. Қонунда, ҳатто 15 йил ва ундан ортиқ озодликдан маҳрумлик жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецедивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққанидан кейин 15 йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларни ҳам судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Судланганлик авф этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

— Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ва уларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган Қонунларимиз борми?

З. Шодиева, Тошкент шаҳри.

— Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни тартибга солувчи, риоя этмаганлик ёхуд бажармаганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонун республикамизда мавжуд. У 1994 йилнинг 6 майида қабул қилинган. Бу «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир. Мазкур қонун 18 моддадан иборат бўлиб, жумладан унда фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар, таклиф, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби, фуқаролар шикоятларини кўриб чиқилиши жараёнидаги ҳуқуқлари ва бошқа қоидалар батафсил кўрсатилган. Унинг 7-моддасида аризларни кўриб чиқиш тартиби ёритилган бўлиб, унга кўра мурожаатларни кўриб чиқиш ва ўз ваколатига кирадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, уларнинг мансабдор шахслари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар:

— аризаларни ҳар томонлама холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишлари;

— қонунга асосланган қарорлар қабул қилишлари ва уларнинг ижросини таъминлашлари;

— аризаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларга маълум қилишлари шарт эканлиги белгиланган. Шунингдек, аризада баён этилган талабларни қондиришнинг рад этилиши сабаблари ҳам кўрсатилган ҳолда аризачига ёзма тарзда маълум қилиниши керак.

II — моддасига мувофиқ, фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ой муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган шахсга маълум қилинади:

Аризалар ва шикоятлар давлат органларига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ва ташкилотга тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида ҳал этилади, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалаларни эса 15 кундан кечиктирмай ҳал этишлари шарт деийлган.

Ариза ёки шикоятни текшириш чўзилиб кетган тақдирда, узрли сабаб кўрсатилган ҳолда муҳлат яна бир ойдан ошмаган вақтга узартирилиши мумкин. Бу ҳолда ҳам ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилиниши шарт. Умуман, жами муддат икки ойдан ошмаслиги керак.

Фуқароларнинг мурожаатларига бюрократларча муносабат учун Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 43-моддасига кўра, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш жазоси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 144-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказадиган ҳолда бузиш, шунингдек, бошқача шаклда таҳқир қилганлиги, мансабдор шахс томонидан фуқароларни таъқиб қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Жавобларни ҳуқуқшунос М. ТОШТЕМИРОВ тайёрлади.

• *Бу сирли олам*

ЎЛИМДАН КЕЙИНГИ ҲАЁТ

Бу одамлар инсоннинг энг буюк, ҳали очилмаган маҳфий сиру синоатини кашф этганликларини айтмоқдалар.

Ўлимдан ва ундан кейинги ҳаётдан ҳам улканроқ сир йўқ. Биз номаълум ёққа, юксак ҳаётга кетамизми? У ерда биз бандаликни бажо келтирганларни учратамизми? Ёки шу билан йўқлик қаъригa кетамизми? Тириклар ичида шундайлар борки, уларнинг айтишича, бу жумбоққа жавоб бор экан. Уларнинг айтишларига қараганда, ўзлари ўлиб кўрганлар ва етти қават осмонга кўтарилганлар, кейин қайтиб келганлар. Ёхуд қасам ичиб айтишадики, раҳматли бўлиб кетганлардан хабарлар келиб турган ва яқин қариндош — марҳумлар билан гаплашганлар, бу эса у дунёда ҳаётдан кўз юмганларнинг тирик ва соғлом эканликларидан далолат беради.

Қуйида шулардан энг ажойиб ва ишонарлиси — ўлимдан кейинги ҳаёт қандай кечиши ҳақида ҳикоя қиламиз.

Бу хотирангизда бир умр муҳрланиб қолажак.

«МЕН ЎЛДИМ, ЕТТИ ҚАВАТ ОСМОНГА КЎТАРИЛДИМ — ЯНА ҲАЁТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИМ!»

Нафақахўр Пауль Гунст юрак хуружи пайтида ўлди ва осмону фалакка чиқиб, омон қолди ва ерга қайтиб тушди!

Мичиган штати, Мускиган шаҳридан бир киши 1986 йили такрорий юрак хуружларидан олти марта ўлди.

Хуружлардан бирида у «у дунё»га жўнаб кетди ва ўзининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ички туйғуларини ёзиш учун қайтди.

— Мен бу дунёни тарк этганимга асло шубҳа қилмайман, — дейди 61 ёшли Гунст — пенсиядаги бухгалтер. У 1987 йили «Всемирные новости» журналистига ўз қизиқ тарихини сўзлаб берган. — Бошимдан ўтган нарсани қачондир эшитган ёки кўрган бирор-бир нарса билан таққослаш мумкин эмас. Тоннел-лаҳада кетаяпман денг, аммо ҳаммаёқ ёп-ёруғ, чароғон. Орқамга қайтармиканман деган ҳаёл безовта қилаётгани йўқ.

Гунстнинг яъни — ўлим сарҳадини хатлаган одамнинг туйғулари юрак томирлари жиддий шикастланган билан боғлиқ. 1986 йил февралида унинг икки марта юрак хуружи тутди ва майда тўрт марта такрорланди. Ҳар гал у ўлди, аммо ҳар охирги хуруж уни етти қават осмонга рупара қилди.

— Мен ёп-ёруғ, чароғон оламни кўрдим, — деб эслайди у кейинроқ. У қўеҳдан ёруғроқ, аммо кўзни қамаштирмасди. Бунақа ёруғликни мен илгари сира кўрмагандим. Мен қуёш жазирамасида қуриган ерда турибман. Эсимда, ўша ерда турибман. Шунда аниқ бир овозни эшитдим: «Паули, сен унақа кучли касал билан осмонда қолишинг мумкин эмас». Бу — онамнинг овози эди. У мени «Паули» деб атади. Онам вафот этганда 6 ёшимда мени шундай атаган эди. Мен ҳеч қачон ўзимда бундай хотиржамликни сезмаган эдим. — Мен ҳеч кимни кўрмадим. Фақат овознигина эшитдим. Сўнгра мен даҳшатли оғриқни сездим. Шифокорлар юрагимга адреналин дорини узун игна орқали юбордилар.

— Гунст само узра саёҳатидан қандайдир бир мўъжиза билан юрак уришидан сўнг ҳаётга қайтиб, ўзини бемор каравотида ётганини англади. Уни юрак фаолиятини бошқарувчи восита билан таъмин этиб, касалхонадан чиқариб юборишди. Бироқ уч неварасининг буваси қаътий ишонардики, у улик ҳолатида ётганида эслаши мумкин бўлганидан ҳам кўпроқ нарсалар содир бўлган ёзувни кўрди.

Қўрқиб кетган миссис Вернер милицияга мурожаат қилди. Унинг уйидаги ҳамма нарсани ва бironта ҳам шикаст етмаган дераза ёки эшикни топа олмади. Бир неча кундан кейин миссис Вернер бу ҳодисани умуман унутди. Аммо якшанба куни кўчаси ҳодиса рўй бергандан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, яна унинг кабинетидаги ёзув машинкасининг овози уйғотиб юборди.

— Мен ўринда ётиргандим, кабинетдан келаётган товушни эшитдим. Бу 10 дақиқача давом этди, товуш тингач, пастга тушишга чўчидим.

Миссис Венер тонгача ухлолмади. Кейин баъзур кабинетга кириб борди, яна марҳум эрининг машинкадаги иккинчи мактубини ўз кўзи билан кўрди. Ҳеч нарсани англаб бўлмайдиган ҳарфлар орасида у қуйдагиларни ўқиди: «Грета, мен адашдим».

Шунда миссис Вернер марҳум эрининг ҳамкасби, (марҳум эри доктор Карл Вернер адабиётдан дарс берган) Женева дорилфунунининг физика профессори, Хуго Стубер билан боғланди. 20 йил одатдан ташқари ҳодисалар билан шуғулланган Стубер кўп нафар олимдан иборат гуруҳ тузди ва ярим йил мобайнида ўз марҳум ҳамкасбининг уйида содир бўлган воқеани ўрганди.

— Биз кабинетда содир этилган ёзувчилар учун 4 та овозли видео камерадан фойдаландик, — деди Стубер. — Дастлабки 9 ҳафта мобайнида бу ҳодиса ўртача ҳар ҳафтада бир марта рўй берди. Камералар машинка олдида столга ўтирган аниқ қиёфани кўрсатди, бунда машинканинг чиқиллаши аниқ эшитилди.

Стубернинг сўзларига қараганда, Вернернинг мактуби қуйдагиларни англатган эди:

— Менга шундай туюлдики, мендан илгари у дунёга кетган одамлар билан гаплашдим, — деди у. — Энди ҳар куни йиллаб эсга олмаган одамлар ҳақида ўйлардим. Гўё мен уларни ҳозиргина кўрганман ва улар билан гаплашгандекман.

Рўй берган воқеадан сўнг Гунс айтдики, ўзини анча бахтлироқ ҳис эта бошлаган. Бу ўлим у аввалгари ҳаёт ҳақида билмаган баъзи нарсаларни тушунишга мажбур этди.

— Мен ўз яқинларимга шундай дедим: муҳаббатингиз ҳақида ҳозир, шу сонияда гапиринг, кейин эмас. Моддий нарсаларнинг мен учун энди аҳамияти йўқ. Бутун ҳаётим ўзгарди ва мен ҳаётим шундайлиги учун бахтлиман. Биламанки, аллоҳ бор ва етти қават осмон бор. Мен у ерда бўлдим.

«МАРҲУМ ЭР ХОТИНИГА ЎЗ ЭСКИ ЁЗУВ МАШИНКАСИДА ЁЗИЛГАН ХАТНИ ЙЎЛЛАДИ»

Доктор Карл Лернер 1986 йил оламдан ўтди, бироқ қайғуга чўмган рафиқаси билан алоқа боғлаб, ҳамон ўз хонасида турган эски ёзув машинкасида унинг учун мактублар битиб турди!

— Рад этувчи фактлар маълум бўлмаганига қадар, биз одатдан ташқари ушбу ҳолат гувоҳи бўлганимизни тан олишга мажбурмиз, — деди одатдан ташқари ҳолатларни ўрганиш тадқиқот гуруҳи раҳбари Хуго Стубер, — 58 ёшли бева Грета Вернер кунларнинг бирида Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги уйининг биринчи қаватида хонадаги ёзув машинкасининг чиқиллашидан уйғонгандан сўнг, барча ғаройиботлар бошланди.

— Миссис Вернер кабинетга отилиб кирди ва машинкага қўйилган қоғозга қаради, — деб ҳикоя қилади Стубер. — Қоғозда у ўз қисқартирилган исми — Бобо ва фақат эрининг ўзигина биладиган кундалик дафтардаги номаълум сирли унинг руҳи дузах рўпарасида кезиб юрибди, қопқонга тушиб қолгандек ер ҳаёти ва мангу ўлим ўртасидаги ҳолатда турибди.

Стубер фикрича, Вернер ўз тақдирига аста-секин тан бермоқда.

— Унинг хотинига сўнгги мактубида шундай дейилган: «Мен кетишим шарт. Кўришгунча хайр». Шундан бери ҳеч қандай мактуб йўқ.

«Всемирные новости» журналининг шу йил 4-5 сонларидан

Ҳамид ИКРОМОВ таржима қилди.

• *Луқма*

...ҚЎЙНИ КИМ БОҚАДИ?

— Осмоннинг устуни, ҳовузнинг тоғлоғи ва яна...

— Сариосиё туманининг тоғли ҳудудида жойлашган Боғча қишлоғи аҳолисига шарт-шароит йўқ.

— Қўйсангиз-чи, бозор иқтисодиёти шароитининг айрим ўткинчи муаммоларига қарамай, ҳукуматимиз республика аҳолисининг ижтимоий манфаатларини ўйлаб, қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда-ку!

— Бу-ку тўғри-я, бироқ ана шу ишлар сариосиёлик раҳбарларга тааллуқли эмасдай, назаримизда. Акс ҳолда, бу ҳақда ёзишга ўрин ҳам қолмасди.

Бўлмаса гап нимада? Яхшиси, далилларга мурожаат қилсак. Боғча қишлоғи туман марказидан анча олис тоғда — аниқроғи 115 километр узоқликда жойлашган. Лекин шунга қарамай, қишлоқ аҳолиси бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатиб, бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Шундай бўлса-да, эндиликда «ўгай қишлоқ» номини олаёзган боғчаликлар назаримда, туман раҳбарлари, ишлаб чиқариш ташкилотлари, қолаверса, корхоналарнинг қаҳрига учраганга ўхшайди. Боз устига, бу ерликларнинг ҳам ишдан бўш вақтларида маданий дам олгилари келади. Иссиқ жон, деганларидек, вақт-бевақт шифокорларга кўринишлари керак. Лекин минг афсуски, боғчаликлар бу муҳим нарсаларни аллақачон унутиб бўлишган.

Қишлоқ ҳудудига автомобиль йўли етиб борай деганда иш пайсалга солиниб, ташлаб қўйилди.

Электр тармоғини гапирмаса ҳам бўлади. Яқинда улар қишлоқда охирги марта чироқ ёнганлигининг 30 йиллигини нишонлаб, йигирма биринчи асрни ҳам шундай кутсак ажаб эмас, деб юришибди.

Балки, тумандагилар аҳволдан хабарлари йўқдир дерсиз. Асло. Қишлоқ оқсоқоллари, фаоллар бир неча бор туман ҳокимлигига, тегишли ташкилотларга ҳам ёзма, ҳам оғзаки равишда мурожаат қилиб, марказдан хурсанд бўлиб қишлоққа жўнашади-ю, лекин...

Дарвоқе, сал бўлмаса эсдан чиқаёзибди. Боғча қишлоғида ягона мактаб бўлиб, ўқувчиларнинг кўнгилдагидек билим олишлари учун ҳеч бир шароит йўқ. Аммо бу ерда шундай шиор мавжуд: ҳамма ўқиса, қўйни ким боқади...

Бир сўз билан айтганда, ҳозир техника асри, яна ким билади, дейсиз. Эҳтимол, тумандаги мутасадди ташкилотлар бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрсалар, яқин орада аҳвол ижобий ўзгаришлар сари юз тутиши ҳам ҳеч гапмас. Лекин ҳозирча, боғчаликларга жуда қийинлигини фақат бориб, кўзи билан кўрганларгина ҳис эта олади.

Боғчаликлар арзини оққа кўчирувчилар: Ҳикматуллоҳ ҚОДИР ва Ғулом ПРИМ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

"НАРГИЗ"
НАРГИЗ
ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Исроил давлатларига сайёҳлик гуруҳларига тез, арзон ва қулай хизматни ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сайёҳлар хориждан келтирган буюмларини [illegible], жамият қошида очилган дўконга топширишлари ҳам мумкин. Агар Сиз 15 кишилик гуруҳ тузишда фаоллик кўрсатсангиз бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 12 "Е" уй. метронинг "Ҳамза" бекати.
Телефонлар: 77-85-11, 77-87-37. Факс: 77-87-47.

«САЙЁРА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Металл буюмлар: темирдан ишланган эшиклар, панжаралар, дарвоза ва бошқа материаллар, енгил автомобилларни сифатли таъмирлаш (тўлиқ ҳолатда) ва

УНЧА ҚИММАТ БЎЛМАГАН НАРХЛАРДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тўловлар исталган усулда.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 1а-уй.
Телефонлар: 41-37-04, 67-58-79, 41-49-33.
Факс: (3712) 44-26-03.

ҚУЛАЙ, СИФАТЛИ ВА АРЗОН НАРХЛАРДАГИ «САЙЁРА» ТЕХНИК ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

02 Хабар қилади

БОЖХОНА ХОДИМЛАРИ АНОЙИ ЭМАС

Самарқанд бож хизмати ва транспорт милицияси ходимлари биргаликда «Қорадори» операциясини ўтказиш чоғида «Душанбе-Москва» поездида кетаётган йўловчи — Россия фуқароси ёнидан уч килограммдан кўпроқ қорадори топдилар. Бангфуруш бу оғуни оддий консерва қутисиичига яшириб қўйган экан. Аммо божхона ходимлари анойи эмас, бинобарин, ажал уруғи билан савдо қилувчининг ҳийласи ўтмади.

Яна бир бангфуруш — маҳаллий пенсионер аёл назоратчиларнинг кексаларга ҳурмат билан муносабатда бўлишидан фойдаланиб қолишга умид қилган бўлса керак — бангни яширишга уринмаган. Аммо Самарқанд билан Тошкент оралиғида қатнайдиган автобусни текшириш чоғида милиция ходимлари ўша пенсионер аёлдан йўл халтасини очишни талаб қилишганида у лол бўлиб қолди. Милиционерларнинг сезгирлигига қойил қолиш керак — йўл халтадан уч килограмм қорадори чиқди.

Бу оғу моддалари қаердан олингани, қаерга ва кимга олиб кетилаётганини тергов аниқламоқда. Бироқ иккинчи гуруҳ ногирони ҳисобланган аёл қорадорини биринчи марта қўлига олмагани ҳам аниқланди. Дарвоқе, у ашёвий далиллар билан қўлга тушганидан кейин ҳам, оператив ходимларга уч хонали квартира ёки хорижий автомобил ваъда қилиб, қутилиб кетмоқчи бўлди. Унинг квартира билан машинани ногиронлик нафақасига олмагани тушунарли бўлса керак, албатта.

Мумай фойда кетидан қувиш самарқандлик ўқитувчини бангфурушликнинг боши берк кўчасига олиб кирди. Болаларни тарбиялаш, уларга яхшилик ва эзгуликдан сабоқ бериш ишониб топширилган бу шуринг қурғур педагог 1,8 килограмм қорадорини сотаётганида қўлга тушди.

ШАҲАР БЕДАРВОЗАМИ?

Сурхондаре давлат автомобил назорати «Ҳосил-95» дастурига доир тадбирларни амалга ошириш учун элликка яқин оператив кўчма гуруҳ ташкил этди. Бу гуруҳлар бевосита дала ва хирмонлар, қишлоқлар яқинида, арпа ва бўтдой ташиладиган йўлларда галлакорлар меҳнати билан етиштирилган донининг сақланишини таъминламоқда. Республика ва вилоят аҳамиятига молик 1140 километр йўл ва туманлар ҳамда хўжаликлар ичкарисидаги икки минг километрдан кўпроқ йўл шу мақсадда назорат остига олинган.

Йўл соқчилари кечаю-кундуз ҳушёрлик билан етиштирилган донни исроф қилиш ва ўтирлашдан сақламоқдалар. Чунки, республиканинг катта хирмонидан фойдаланиб қолишга уринаётганлар йўқ эмас. Масалан, Сариосиё туманидаги интернат-мактаб шофёри ҳеч кимнинг рухсатисиз хизмат машинасидан фойдаланиб, бир тонна бўтдойни қўшни республикага олиб ўтишга уринган. Денов туманидан 600 килограмм донни ғайриқонуний равишда олиб кетаётган ҳайдовчи Бандихон туманида тунда қўлга тушди.

Аниқланган бу ҳодисалар юзасидан жиноятчиларни жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилди ва ҳозир тергов олиб борилмоқда. Республикамиз жанубидаги бу вилоятнинг йўлларида операция бошланганидан буён 30 га яқин ўтриликнинг олди олинди, ўтрилардан тортиб олинган ўн икки ярим тонна дон республика хирмонига қайтарилди.

Шанбадан / • Спорт / Шанбагача

... ҚАМЧИ БОСГАН ЮТАДИ

Олий лига жамоалари ўртасида эрта баҳорда бошланган футбол пойгаси тобора қизғин палларга кирмоқда. Футболчилар қарийб бир ой дам олгач чемпионлик учун курашнинг ҳал қилувчи давраси ўйинларини бошладилар. Оралиқ маррага муваффақиятли етиб, довон ошган жамоалар чемпионликка астойдил даъвогар эканликларини намоён этмоқдалар. Айниқса, фарғоналик футболчиларнинг ягона пешқадам сифатида дадил одим ташлашларидан мухлислар мамнун.

«Нефтчи» 16-тур ўйинларини ўз майдонида бошлади. Олий лига «меҳмони» бўлиб турган, айни пайтда омади юришмаётган «Машъал» футболчилари ўз дарвозаларини ланг очиб қўйдилар, десак ҳам муболаға бўлмас. Шу боис, фарғоналик меҳмонлар дарвозасига оз эмас, кўп эмас, еттита туп киритиб, жами ғалабаларини 13 га етказишди. 11 минг мухлис тўпланган ўйингоҳда дарвозани ишғол этиш бўйича Андреев 3 марта маҳорат кўрсатган бўлса, қолган тўпларни киритишга Федоров, Лебедов, Мамотов, Атоянлар ҳисса қўшдилар.

Умуман, ҳал қилувчи давранинг бошланиши тўпларга бой бўлди. Дарвозалар жами 34 марта ишғол этилди. Бунақаси ҳеч бўлмаган. Еттиничи турда энг кўп тўп киритишлар 27 тага етган эди, холос. Бу ҳаммаси пешқадам жамоаларнинг ҳал қилувчи давра бошидаёқ отга қамчи босиб, голибона манзилни кўзлаётганидан нишона. Демак, чемпионлик учун кураш муросасиз баҳсга айланади. «Нефтчи» яна бир бор чемпион номини олиш-олмаслигини эса вақт кўрсатади.

«Навбаҳор» — «Атласчи» (5:0), «Нурафшон» — «Чирчиқ» (4:0), МХСК — «Янгиер» (4:1), «Сўғдиёна» — АСК (4:0) ва «Темурйўлчи» — Навруз» (3:3) ўйинларида қайд қилинган йирик ҳисоблар футбол пойгасининг авжга чиқаётганидан дарак бермоқда. Пахтакорчилар ҳам бу сафар мухлисларни қувонтиришди. Улар динамочилар майдонида ғалаба (2:1) қозониб, мавқеларини мустаҳкамлашди. Зеро, ишқибозлар «Пахтакор»га катта умид боғлашмоқда. Ўйлаймизки, футболимиз фахри бўлган «Пахтакор» бу йилги мавсумда ўзини унглаб, шарафли номга муносиб бўлишга ҳаракат қилади. Битта ўйиндагина ҳисоб очилмади: «Политотдел» — «Трактор» — 0:0. Ўйинлар жадвали эса бугун бошланадиган навбатдаги тур учрашувлари олдидан қуйидагича манзара олган.

	Ю	Т	О	Т	О
«Нефтчи»	13	2	1	50-16	41
«Нурафшон»	12	1	3	35-17	37
«Навбаҳор»	11	3	2	28-9	36
МХСК	10	4	2	37-13	34
«Пахтакор»	8	5	3	28-15	29
«Сўғдиёна»	7	2	7	28-19	23
«Навруз»	6	4	6	22-22	22
АСК	5	3	8	20-31	18
«Трактор»	4	6	6	14-20	18
«Политотдел»	4	5	7	21-28	17
«Янгиер»	4	4	8	20-22	16
«Динамо»	4	3	9	12-23	15
«Атласчи»	4	3	9	15-32	15
«Темурйўлчи»	4	2	10	16-34	14
«Чирчиқ»	2	5	9	9-25	11
«Машъал»	2	4	10	7-36	10

Мухлислар бугун бўладиган «Чирчиқ» — «Нефтчи», «Атласчи» — «Нурафшон», «Янгиер» — «Навбаҳор», «Навруз» — МХСК учрашувларига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Қурриниб турибдики, пешқадам жамоалар бу гал учрашувларини сафарда ўтказадилар. Фақат пахтакорчилар «Политотдел» майдонида эртага ўйнайдилар.

М. МИРАБЗАЛОВ,
«Адолат»нинг спорт шарҳловчиси.

* * *

● БОННН. Машҳур немис футболчиси Франц Беккенбауэр таваллудига 50 йил тулишини Мюнхендаги олимпия стадионида ўтказишга қарор қилинди.

Ўша куни Германия Фахрийлар терма жамоаси «Жаҳон терма жамоа»сига қарши майдонга тушади. «Жаҳон терма жамоа»си таркибида Пеле, Марадона, Йохан Крайфф каби машҳур футбол юлдузлари яшил майдонга чиқади.

Қизиғи шундаки, Франц Беккенбауэр биринчи бўлимда Германия, иккинчисида эса «Жаҳон терма жамоа»си таркибида тўп суради.

• *Билиб қўйган яхши*

ТАОМ СИЗНИ ЕМАСИН...

Ёз фаслида одамларнинг иштаҳаси йўқолиб, кўпроқ суюқ овқатлар, қатиқли маҳсулотларни ичишга талаб кучаяди. Халқимиз азалдан кучли овқатларни истеъмол қилишга ўрганган. Чунончи, қазиқарталар, ёғлик қуй ва мол гўштлари, қуй ёғи ва гўштидан қилинган палов ва бошқа таомлар кўпроқ ейилади. Ваҳоланки, бу овқатларни ҳазм қилиш учун меъда-ичакларда кўп ферментлар сарфланади. Иссиқ кунларда одам танасида овқатни парчалаб, ҳазм қилиб берадиган ферментлар етишмаслиги, айрим заҳарли модда тўпланиши оқибатида нохуш ҳоллар юзага келиши мумкин. Бунинг устига одам кўп терлайди, тер билан бадандаги витаминлар ажралиши ортади. Натижада одам танасида витаминлар камайиб кетади.

Шунинг учун ёзда одамнинг иштаҳаси пасаяди, лоҳас бўлади, иш қобилияти камаяди. Айрим касалликлар, жумладан, асаб касалликлари, қон босими, юрак ва ошқозон-ичак касалликлари авж нуқтасига чиқади. Шунинг учун ёзда қуюқ овқатларни камайтириб, енгил, тез ҳазм бўладиган таомларни истеъмол қилиш керак. Кўпроқ ҳўл мевалардан, сабзавот ва қуқатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар хил гиёҳ чойлар масалан, лимон-ўт чой, райҳон чой, ялпиз чой ва ҳоказолардан ичиб туриш лозим бўлади. Компотлар, айниқса, қўқ чой ичиш айни муддао. Кўк чой ҳам чанқовни босади, ҳам меъдага овқат моддалари билан тушган микробларни ўлдиради, меъда ва ичак шира безларининг фаолиятини яхшилайди. Ҳар сафар овқатланиб бўлгандан кейин бир пиёла кўк чой ичсангиз тишларингизни каросдан асрайди. Спиртли ичимликларни асло ичманг, зеро, ёз кунларида қон томирлари бусиз ҳам кенгайишга мойил бўлади. Мабодо спиртли ичимликлар ичилса, қон томирлар баттар кенгайиб, ҳар хил оғир ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Муҳаббат ТУРҒУНОВА,
шифокор.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона — 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А — 2 форматда,

Буюртма Г. — 0378. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.